



ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан 2013 йил 13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ва кенг қўламли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

МУНОСАБАТЛАР КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган эди. Ўтган йили мамлакатларимиз бу муҳим сананинг 20 йиллигини нишонлади.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида икки давлат раҳбарлари 14 марта ўзаро ташрифларни амалга оширдилар. Бундан ташқари, мамлакатларимиз етакчилари турли минтақавий ва халқаро анжуманлар, олий даражадаги кўп томонлама учрашувлар чоғида тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил сентябрида Остонага буюрган расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг ривожланиши, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, ўзаро қизиқиш уйғотадиган долзарб халқаро муаммолар билан боғлиқ муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАВАС УЙҒОТАДИ

Мамлакатимизнинг тарихий ёдгорликлари ва замонавий иншоотларини томоша қилиш, халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан танишиш, ҳушманзара табиатимиздан баҳра олиш мақсадида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири ана шундай сайёҳларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

— Сафарим давомида Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларида, жумладан, Шаҳрисабзда бўлиш, унинг тарихий обидалари билан танишиш имкониятига эга бўлдим, — дейди **франциялик Рожер Биттенкорт**. — Шаҳрисабз — Амир Темур улғайган шаҳар. Бу сўлим маскандаги Оқсарой ёдгорлиги, Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари дунёнинг барча ҳудудларидан келган сайёҳларни ҳайратга солиши шубҳасиз. Шаҳардаги замонавий меҳмонхоналар, улардаги юқори даражали сервис хизмати менга манзур бўлди. Шаҳар кўржига кўк қўшиб турган бу бинолар замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари уйғунлигида барпо этилгани билан эътиборимни тортди. Саёҳатим даво-

мида ўзбекона никоҳ тўйида иштирок этдим. Бетакор урф-одатларга бой бу гўзал кеча хотирамда бир умр сақланиб қолади. — Шарқ гавҳари бўлиши Самарқанди, унинг бебаҳо меъморий обидаларини кўриш имконига эга бўлганимдан қувончим чексиз, — дейди **Жанубий корейлик Донг-Сун Чхве**. — Регистон мажмуаси, меҳмондўст ва очикқўнгил одамлар қалбимдан чуқур жой олди. Самарқанднинг гўзал табиати, боғу роғлари, серфайз хиёбон ва сайилгоҳларини томоша қилиб, ҳузурландим. Ўзбекистонни бежиз эртақмонанд дийр, деб аташмас экан. Буюк ўтмиш ва бой маданий меросга эга Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига ишончим комил.

— Мамлакатингизга ўн бир йил аввал келган эдим, — дейди **грециялик Николас Кондуриоти**. — Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилган ва оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг кўлами ва самаралари ҳар қандай одамда ҳавас уйғотади. Айниқса, Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, жаҳоннинг энг замонавий, гўзал шаҳарларидан бирига айланибди. Сафарим давомида бошқа қадимий шаҳарларингизда ҳам бўлиш имконига эга бўлдим. Хусусан, Бухорога сафарим қутилганидан ҳам аъло бўлди. Бу қадимий шаҳардаги обидалар шу қадар мустаҳкам қурилган эканки, ордан неча юз йиллар ўтса-да, кўр тўкиб

турибди. Бу Ўзбекистонда миллий меъморчилик азалдан юксак даражада тараққий этганидан далолат беради.

— Ўзбекистонда санъат, жумладан, мусиқа санъатини ривожлантиришга, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бетақор миллий мусиқа санъатини чуқур ўрганиш ва ривожлантиришга қаратилган эътиборга ҳавас қилса арзийди, — дейди **германиялик Альбертина Бирманн хоним**. — Бунга мен ўз ижодий гуруҳим билан 2009 йилда Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш асносида амин бўлган эдим. Мамлакатингизда бундай фестивалларнинг анъанавий ташкил этилаётгани халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини таш-

кил этиш ва кенгайтириш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Ўзавтотеххизмат» очик акциядорлик бир-


лашмасида бўлган тадбир «Тинчлик ва оқойишталик учун курашмоқ барчанинг бурчи» мавзусига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** «Қамолот» ёшлар иж-

тимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши қошидаги ёшлар ижодий хизматлар марказида «Дин ва ёшлар» мавзусида ўқув-семинари ташкил этилади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар самарасида мамлакатимизда қўлай сармоявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

УЛКАН ИМКОНИАТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Буни чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўлаб корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Uztex — Toshkent» Ўзбекистон — Буюк Британия — Швейцария қўшма корхонаси — ана шундай корхоналардан бири.

«Uztex — Toshkent» ип йигирув фабрикасида илғор технологиялар асосида пахта толасидан халқаро стандартларга мос юқори сифатли калава ишлаб чиқаришмоқда. Ўз фаолиятини 2010 йилда бошлаган мазкур корхона жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари, жумладан, Швейцариянинг «RIETER» компаниясининг замонавий ускуналари билан жиҳозланган.

«Uztex — Toshkent» йилига етти минг тонна пахтани қайта ишлаб, 6,5 минг тонна сифатли калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулот сифатини назорат қилиш энг замонавий приборлар ва воситалар билан жиҳозланган махсус лабораторияда амалга оширил-

моқда. Маҳсулотнинг олти миш фоизи ички бозорда со-тилаётган бўлса, қирқ фоизи Россия, Хитой, Туркия, Жанубий Корея ва Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида яратилган қўлай инвестициявий муҳит, кенг имтиёз ва имкониятлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил оширишимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди корхона бош директори Равшанбек Йўлдошев. — Мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокида тузилган корхоналарга кредит имтиёзлари берилгани ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Яратилган ана шундай қўлай имкониятлардан унумли фойдаланиб, сифати халқаро андозаларга мос, экологик тоза маҳсулотлар ва экспорт ҳажмини янада оширишни мақсад қилганмиз.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия биргаликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиёти ва истикболларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди. Унда маслаҳатчиларнинг фаоллиги, уларнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, мактаб ўқувчиларини коллеж ва лицейларга жалб этиш, битирувчилар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида олиб бораётган ишлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқ соҳаларга оид билими синондан ўтказилди.

• Андижон шаҳрида «BankExpro 2013 Andijon» — банк тизими технологиялари, ускуналари ва хизматлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вилоятдаги барча банклар, етакчи сугурта компаниялари ўзларининг маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этди.

• Қизилтепа тумани телекоммуникация боғламасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу ерда «Ягона ойна» хизмати ҳам фаолият бошлади. Эндиликда барча турдаги алоқа воситалари — телефон ўрнатиш, интернет тизимига улаиш, замонавий IPTV хизматида боғланиш ва қўшимча хизмат турларидан кенг қўламада фойдаланиш мумкин.

• Фалларол туманидаги «Ҳамкор мадад савдо» хусусий корхонасида шлакоблок ҳамда алюминий профилдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Банкнинг 38 миллион сўмлик кредити ва корхона маблағи ҳисобига ушбу янги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида бешта қўшимча иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

• Индонезия махсус хизмат ходимлари томонидан Марказий Сулавеси музофотидаги Косо шаҳридаги отишма чоғида Нудин номли таниқли жангари йўқ қилинди. Нудин Косо шаҳри ва Ява оролининг марказий қисмида бир қатор террорчилик ҳаракатларини ташкил этганликда гумон қилинмоқда.

• Мамлакат маъмурларининг маълумотларига кўра, Шри-Ланканинг Фарбий қирғоғига хуруж қилган қучли довул натижасида камида 40 киши ҳаётдан кўз юмган.

• Шимолий Корея Кимгансан тоғларида сайёҳлар учун курорт бунёд этиш бўйича лойиҳани тайёрламоқда. Минтақани ривожлантириш раҳбари О Чунг Хекнинг таъкидлашича, Жанубий Корея ва хорижий компаниялар мазкур лойиҳани инвестиция билан таъминлайди.

• «Kinsa Smart Thetmometer» қурилмаси «Apple» смартфонига тана ҳароратини ўлчаш имкониятини беради. «Ақли» телефон эгасининг тана ҳароратини ўлчабгина қолмай, яқин атрофда қандай касалликлар борлигидан ҳам хабардор қила олади. Яъни тизим эгасининг тана ҳароратига асосланиб, касаллик турини аниқлайди. Шундан сўнг олинган ахборот ва GPS маълумотлари серверга жўнатилади. Ўша ерда «касалликлар харитаси» тузилади ва мижозга узатилади.

УЛКАН ИМКОНИАТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ



Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхонада 116 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг саксон фоизи ёшлардан иборат. Ишчи ва ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун махсус амалий таълим курслари ташкил қилинган. Бу ерда «устоз-шогирд» аънаси асосида ишга янги қабул қилинганларга ишлаб чиқариш жараёнини ўргатиш йўлга қўйилган. Ходимлардан бир гуруҳи хорижда малакасини такомиллаштирган.

– Мазкур фабрикада ишлаётганимга бир йил бўлди, – дейди қайта ўраш дастгоҳи бошқарувчиси Дилафруз Собирова. – Бу ерда ишчилар учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва дам олиш бўйича барча шароит яратилганидан мамнунмиз. Замонавий корхонада ишлаб,

юртимиз тараққиётига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Корхона мамлакатимиз ва хорижда ўтказилаётган кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтган Тўқимачилик форуми доирасида кўплаб хорижий меҳмонлар мазкур фабрика фаолияти билан танишиб, бу ерда яратилган қулайликларга юксак баҳо берди. Мамлакатимизнинг тўқимачилик салоҳиятини намойён этувчи ушбу корхонадаги иш жараёни ва маҳсулотларнинг юқори сифати чет эллик мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, амалга оширилаётган кенг қамровли хусусийлаштириш жараёни чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда кўплаб самарали лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга, иқтисодиётимиз ҳамда халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ МЕЪЁРЛАРИ

Юртимизда тadbirkорлик фаолиятини янада кучайтириш, бу борада мавжуд меъёрий такомиллаштириш, тadbirkорлик билан шуғулланиш истигида бўлган фуқароларга шарт-шароит ҳамда қўшимча имтиёзлар яратиб бериш борасида кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, тadbirkорларнинг қонун ҳужжатларида кўрсатилган меъёрларга, мавжуд тартиб-қоидаларга риоя этишлари иш унмдорлигини, сифат ва ишончлилигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тadbirkорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомда эса давлат рўйхатидан ўтмасдан тadbirkорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби кўзда тутилган.

Унга қўра, жисмоний шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтмасдан тadbirkорлик фаолиятини амалга ошириш ҳолатларини аниқлаш давлат солиқ хизмати

органлари томонидан амалга оширилиб, яқна тартибдаги тadbirkорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турларини амалга ошираётган жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

Тadbirkорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолати аниқланган тақдирда бундай шахсларга нисбатан икки иш кўни давомида қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабнома тақдим этилади.

Агар жисмоний шахснинг тadbirkорлик фаолиятини амалга ошириш жойи унинг доимий яшаш жойидан фарқ қилса, у ҳолда давлат солиқ хизмати органи икки иш кўни давомида жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ҳисоблаш учун жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига юборади.

«Туркистон-пресс»

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Оила тўғрисидаги қонунчиликнинг моҳиятини ёшларга етказиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, жамиятда ўзларига муносиб ўрин топишида кўмак бериш мақсадида адлия органларининг ФХДё бўлимлари қошида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби» томонидан бир қатор тadbirkорлар амалга оширилмоқда.

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

Жумладан, Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Унда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳаллалар маслаҳатчилари иштирок этишди.

Тadbirkор бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, ёш оила қурувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда миллий қадриятларимизга таянган ҳолда илгор услублардан фойдаланиш, узок йиллар давомида сермезмун оила қуриб, ёшларга ибрат бўлаётган кексаларимизнинг оилага оид ўғитларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратиш жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оила мустаҳкамлиги ва юртимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши ҳақида қайд этиб ўтилди.

– Таъкидлаш кераки, адлия органлари томонидан жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказиладиган «Ёш оила қурувчилар» мактабининг иш режаси тасдиқланган бўлиб, унда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг ижтимоий ҳаётдаги ролини оширишга қаратилган бир қатор тadbirkорлар белгилаб олинган, – дейди Олмаздор туман хотин-қизлар кўмитасининг бош мутахассиси Мухайе Мирабзалова. – Машғулотлар оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва унинг вазифалари, тиббий кўрикнинг мақсади ва аҳамияти, оила мустаҳкамлигининг ижтимоий ва психологик омиллари, тиббий маданияти, ёшлар ва ота-оналарнинг ҳуқуқлари, эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавзуларида ташкил этилмоқда. Навбатдаги ўқув машғулотида оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодиса ҳисобланиши, бу масала икки ёш ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини оила қуриш оstonасида турган ёшларга етказиш, уларда оилага нисбатан масъулият ҳиссини шакллантириш оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий йўналишларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тadbirkор сўғида мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар моҳияти ёшларга оддий ва ҳаётий мисоллар орқали тушултирилиб, «Ёш ота-оналарга» ва «Ёш келин-куёвларга», «Ёш оила қурувчиларга» мавзусида тайёрланган материаллар тарқатилди.

Ҳадича ЙЎЛЧИЕВА

Табиатнинг ҳар бир неъматини эъзозлаш, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш халқимизга хос бўлган азалий қадриятлардандир. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида экологик барқарорлиқни таъминлаш, атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси келажак авлодлар учун асраб-авайлаш бўйича юритилаётган оқилона сиёсат натижасида бундай умрбоқий қадриятларимиз янгича маъно-мазмун билан бойимокда.

Ислохотлар оқимида

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОFAZACI — МУҲИМ BAZIFACI

таъкидлаш лозим. Хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига мувофиқ, 2012 йил якунларига қўра, юқоридаги Дастурда кўзда тутилган 78та тadbirkордан 71таси тўлиқ бажарилган, шунингдек, «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳўмоя-гувматож қатламларни қўллаб-қувватлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Концепцияда илгари сурилган атроф-муҳитни ҳўмоя қилишни таъминлаш тизимини нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган тасвиялар соҳа қонунчилигини ривожлантиришда ва бу борадаги ўз ечимини кўтаётган масалаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, том маънода атроф-муҳитни муҳофаза қилишда янги босқични бошлаб берди.

Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам юртимизни тобора ободонлаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, улар бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Давлат дастурида халқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр энергияси ва иссиқлик билан қамроқлаш таъминлаш, энергия ва ресурсларни тежовчи янги технологияларни жадвал жорий этиш бўйича аниқ чора-тadbirkорлар, шу билан бирга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган атроф-муҳитни ҳўмоя қилишни таъминлаш тизимини нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам минтақаларни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда олиб борилиши лозим бўладиган ишлар қаторида экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимлигида тўхталиб ўтди. Жумладан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, айниқса, ер ва сув ресурслари

ларидан оқилона фойдаланиш, бугун-газ электр станциялари қуриш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, электр энергияси истеъмоли ҳисобини юритиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва унинг транспортировка қилишда технологик йўқолишларни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чораларни қўриш ҳақида айтиб ўтган фикрлари ҳам давлатимиз энергетика секториде соф ривожланиш механизмининг жорий қилиниши учун муҳим асос яратди.

Ушбу соҳада тadbirkорлар ҳамда тахриба-саноат ишланмаларини юқориқоқ техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тахрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тadbirkорлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши мазкур муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Президентимизнинг юқоридаги Фармони асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган бир қатор долзарб масалалар ҳал этилганлиги, хусусан Халқаро қўёё энергияси институтининг ташкил қилинганлиги ҳамда «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритиш вазифаси қўйилганлиги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда барқарор ривожланиш вазифаларини ҳал этишда муҳим қадам бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик ҳавфсизлиқни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тadbirkорларнинг барчаси табиий мўваззатини сақлаш, экологик ҳавфсизлиқни таъминлаш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга ҳамда пировардида аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслигимиз кераки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, аваламбор, фуқароларимизнинг экологик ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига бевосита боғлиқдир.

Жаҳонгир САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институтини бош
иллий ходими, юридик
фандар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: МУНОСАБАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Остонадаги учрашув вақт синовидан шериклар сифатида икки томонлама ва кўп томонлама аҳамиятга молик барча масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг нуқтаи назарлари муштарак ёки яқин эканлигини яна бир бор намойиш қилди. Остона учрашуви якунлари бўйича имзоланган Қўшма баёнотда ҳамкорлиқнинг барча соҳаларидаги ўзаро манфаатли шериклиқни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан томонларнинг бирдек интилишлари таъкидланди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шериклари қаторидан жой олган бўлиб, ўзаро савдо-сотик алоқалари жўшқин ҳамда барқарор ўсувчанлик билан изоҳланади. 2012 йил якунлари бўйича икки томонлама савдо кўрсаткичлари қарийб 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз худудиде қозоғистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 180га яқин корхона фаолият кўрсатаётди. Улар машинасозлик, металлга ишлов бериш, енгил ва озик-овқат саноати, қурилиш ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олган. Ўз навбатида, Қозоғистонда Ўзбекистон фуқаролари иштирокидаги 120 тадан зиёд корхона рўйхатдан ўтган.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш учун ишга солинмаган катта салоҳиятга эгадир.

Ўзбекистон ва Қозоғистон – умумий қўҳна тарихга, ягона эътиқод, муштарак аънава, урф-одат ва менталитетга эга бўлган қардош халқлар истиқомат қиладиган давлатлардир. Шу боис маданий-гуманитар ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

2006 йили Ўзбекистон Маъмун Академияси ва Р.Сулаймонов номидаги Қозоғистон Шарқ-шунослик институтини ўртасида Хамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзолангани, 2012 йил август ойда Тошкентда «Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 20 йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги: тарих, бугун ва истиқбол» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилгани ҳамда бошқа тadbirkорлари самарали ҳамкорлиқнинг намунаси сифатида қайд этиш мумкин.

Бундан ташқари, томонлар аънаваный равишда таникли мусаввирлар асарларининг қўшма кўргазмалари ва халқ хўнармандлари ярмаркаларини ташкил этишаётди, мусиқа ҳамда театр жамоаларининг ижодий сафарлари амалга оширилмоқда. Икки давлат кино санъати намоёндалари йирик киноанжуманларда қатнашаяпти, шунингдек, улар ўз бадий асарларининг тақдимотларини намойиш этмоқдалар.

Шаклланган яхши аънавага мувофиқ, ҳар икки мамлакат миллатларо ҳамжихатлиқни ҳамда ўз тарихий ватанидан ташқарида истиқомат қилагаётган барча халқлар вакилларига нисбатан ҳўрмат билан муносабатини таъминламоқда. Статистик маълумотларга қўра, Ўзбекистонда 810 мингдан ортиқ қозоқ, Қозоғистонда эса салкам 460 мингдан зиёд ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда қозоқ тилида таълим бериладиган 417та мактаб, қардош қўшни давлатда эса тахсил ўзбек тилида олиб бориладиган 175 та мактаб фаолият кўрсатаётди.

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбллари ижодий фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида Қозоқ адабиёти кенгаши мавжуд, қардош халқ тилида «Нурлы жол» газетаси чоп этилаётгани баробарида Миллий телерадиокомпания каналларида махсус кўрсатувлар эфирга узатилмоқда. Республика қозоқ маданияти маркази томонидан қозоқ оқинлари, ёзувчи ва журналистлари қаламига мансуб эллиқка яқин китобни нашр қилишда ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон Давлат университети ва Тошкент Давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган бўлиб, Ангрэн, Гулистон, Жиззах, Навоий ва Нукус шаҳарларидаги педагогика олий ўқув юртларида эса бир нечта фандардан қозоқ тилида дарс берилиши йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, Остона, Алмати ва Қозоғистоннинг бошқа тўққизта минтақасида ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва урф-одатлари кўни» тadbirkор ўтказилади. Она тилидаги даврий нашрлар ҳамда махсус радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар Қозоғистон ўзбекларининг маданий ўзига хослигини, миллий аънавалари ва урф-одатларини асраш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Икки мамлакат халқлари ўртасида бир-бирини тушуниш ҳамда ўзаро ишончга асосланган тарихий дўстлик ва қардошлиқ ришталари минтақамиздаги барқарорлик ҳамда танчликнинг сақланишига кўмаклашаяпти.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига буюражак расмий ташрифи икки дўст мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни яратди.

«Жаҳон» АА

Шу боис оромгоҳларда фаолият кўрсатувчи тарбиячи-педагог ва етакчилар ўз маҳоратларини тўла намоён этиб, ёшлар қалбига яқиндан ёндошган ҳолда улардаги ижобий хислатларни янада бойитишга туртки берувчи турли қизиқарли машғулот ва ўйинлар, суҳбатлар, кечалар, мусобақалар ташкил этиб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда масъул-дирлар.

Ёзги таътилни сермазмун, қизиқарли ўтказиш учун таълим муассасаси педагог-ҳодимлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича раҳбар ўринбосари, синф раҳбари, болалар етакчилари, фан тўғараги раҳбарлари, маҳалла, ота-оналар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари ҳамкорлиқда иш олиб боришлари айниқса муҳим.

Жисмоний ва ақлий меҳнатга ҳурмат уйғотиш, меҳнатсеварлик ва яратувчанлик хислатларини шакллантириш борасида назарий машғулотлардан ташқари, оромгоҳ ҳудудини ободонлаштириш ва бошқа амалий ишлар орқали тарбиявий муҳит яратилади. Экологик тарбияни ўстиришда атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат, табиатни қузиштиш ва таҳлил этиш, экологик муаммоларни амалиётда ўрганишга имкониятлар очилади.

Иқтисодий, жисмоний ва касбий тарбия йўналишларида ҳам тарбиячи ва етакчилар ижодкорлиги, ташаббускорлиги орқали иқтидорли ва истеъдодли болалар билан ишлаш, уларнинг янги қирраларини кашф этиш мумкин бўлади. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишида соғломлаштириш, оммавий спорт мусобақалари қатори ёшларнинг билиминини янада ошириш, саломатлик ва жисмоний имкониятлар рағбатлантирилади.

«Соғлом авлод» йўналишида болалар жамоа ва гуруҳлари ўртасида теннис, футбол, миллий кураш, волейбол, қўл тўпи каби спорт турларидан мусобақалар ўтказилади, машҳур спортчилар ҳақида суҳбатлар ташкил этилади.

«Нафосат» йўналишида болалар ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти, музыка, тасвирий санъат тарихи, театр ва кино ижодкорлари ҳаёти ва ижод намуналари билан танишдилад.

«Умид» йўналишида кашфиётчилик, лойиҳалаштириш ишларини олиб бораётган истеъдодли ёшлар қўллаб-қувватланади.

Мана, ёзги таътил бошланиши билан соғломлаштириш оромгоҳлари минглаб ўқувчиларни ўз бағрига қорлади. Ушбу оромгоҳлар дам олиш масканлари вазифасини ўтасада, у ерда ўтказиладиган ҳар бир маънавий, маданий тадбирлар ёш дам олувчилар дунёқарашлари ва ижодий қобилиятини бойитиш, шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама маънавий камолга етишларида замин яратувчи тарбия манбаи ҳисобланади.

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲЛАРДА БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН



Айни кунларда, бизнинг Олмазор туманидаги 326-сонли Давлат ихтисослашган умумтаълим мактаби ҳудудида ташкил этилган «Соғломлаштириш майдончаси»даги ёзги оромгоҳимиз 1 июндан оқсиздан ортиқ болаларни ўз бағрига қорлади. 1-синфдан 7-синфгача ўқувчиларни ўз ичига қамраб олган соғломлаштириш майдончаси болаларнинг ёзда қувнаб дам олишларига мос равишда безатилди. Мавжуд бас-

сейн ва ёзги қўмилиш ҳавзалари, спорт майдончаси ва спорт тўғарақлари, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, наққошлик, мохир қўллар, чет тили тўғарақлари ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Тарбиячи ва етакчилар, синф раҳбари, тўғарақ раҳбарларининг наватчилиги асосида болалар мириқиб дам олаётганлари ҳолда экскурсия ва саёҳатларга чиқишмоқда, спорт мусобақалари орқали жисмоний чиниқиш, тил ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, кашфиётчилик ва турли маънавий-маданий тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юбордилар. Ҳар бир боланинг юз-кўзида қувонч ва гайрат, меҳнатга иштиёқ барқ урмоқда.

Шундай экан, фарзандларимизнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, келгуси ўқув йилини янги куч-гайрат, шижоат билан кутиб олишлари учун биз ўқитувчи-устозларнинг мақсади уларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол тарзда вояга етишларида ўз муносиб ҳиссамизни қўшишдек масъулиятли вазифани уदдалашдан ибратдир.

Гавҳар УМРЗОҚОВА,
326-сонли Давлат ихтисослашган умумтаълим мактабининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари
Козим Улмасов олган сурат

Футбол

УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 10-тур беллашувлари совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган пойтахт командаларига муҳим очколарни тўхфа этди.


Ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини қабул қилган «Локомотив» ўйинда устунликка эришиб 3:1 ҳисобида зафар қўчди. Дарвозаларга голларни «Локомотив»дан — Холматов (2 та), Нагаев, «Қизилқум»дан — Шотурсуновлар киритишди.

Фарғонада «Нефтчи» меҳмони бўлган «Бунёдкор» ҳам учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Меҳмонлар ҳужумини қайтариш учун тўпга ташланган Турдалиев ўз дарвозасига гол киритиб автогол соҳибига айланди.

«Пахтакор» марказий стадионида пахтакорчилар «Гулистон» жамоасини қабул қилишди. Анча қизиқарли ва ҳужумларга бой кечган баҳс 2:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. Абдухаликов, Шарофутдинов голларга муаллифлик қилишган.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Динамо» — «Навбахор» — 1:1, «Шўртан» — «Бухоро» — 0:1, «Металлург» — «Олмалик» — 3:1, «Сўғдиёна» — «Насаф» — 0:2.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Ўзбек халқи болажонлиги билан маълум ва машҳур. Айниқса мамлакатимизда бола тарбияси, ўғил-қизларнинг маънавий жиҳатдан юксак, билимдон, жисмонан соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор берилиши ҳам шундан. Мустақиллик даврида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилгани фикримиз далилидир.

Тадбирлар

ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги бирлашган техника мактабида «Ҳар бир фарзандга меҳр ва эътибор» шiori остида ўтказилган тадбирда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими, Халқ таълими бош бошқар-

маси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмагандлар ишлари бўйича комиссияси, Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ томонидан ташкил этилди.

Тадбир давомида «Болаликнинг манзили Ўзбекистон» шiori остида иқтидорли болалар ўртасида, «Менинг Ватаним Ўзбекистон» мавзусида

зукколар, «Йўл қоидаси — умр фойдаси» номли танловлари ҳамда эстрада-цирк коллежи талабаларининг чиқишлари болажонларнинг дилларини ҳушнуд этди. Шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича кўргазмалар чиқишлар ва милтқидан ўқ отиш бўйича мусобақалар ҳам ўтказилди.

Кўтаринки руҳда ўтказилган тадбир ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини шакллантириш, техник мутахассисликлар, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ўзига хос ўрин тутишига шубҳа йўқ.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Ислом Исмоилов олган сурат



Кўргазмалар

ТАСВИРЛАРДА АКС ЭТГАН ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида график рассом Дилором Мамедованинг ижод намуналаридан ташкил топган кўргазма очилди.

Кўргазмадаги асарлар муаллифи Дилором Мамедова 1974 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида таҳсил олган. Раҳим Аҳмедов, Неймат Кўзибобоев, Алишер Мирзаев, Бахтиёр Бобоевлардан таълим олди. Ўз ижод йўлини танлашда мамлакатимизда санъатга бўлган эътибор ҳамда оилада ота-онасининг роли катта бўлди.

1993 йилдан бошлаб республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок эта бошлади. Биринчи шахсий кўргазмаси 1997 йили «Илҳом» театрида ўтказилган. 2003 йилдан Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Рассом ўз устида тинмай ишлайди. Тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишларида изланади. Ижод йўлининг бошларидаёқ яратилажак асарларини учун турмуш тарзини, ўзбек оилаларининг оддий кундалик ҳаётлари мавзулари бўйича материал йиға бошлади. Шу оддийликнинг ўзида у гўзалликни, шарқона руҳиятни, гайратни, ҳаёт фалсафасининг, турмуш тарзининг муҳим йўналишларини тасвирга туширди. Унинг асарларида биз она юрт табиатига, урф-одатларига, миллий қадриятларимизга чексиз меҳр ва санимийликни кўрамиз.


Экспозициядан муаллифининг 160 га яқин асарлари ўрин олган. Уларда тарихий шаҳарларимиздаги меъморий ёдгорликлар, юртимизнинг турли

ҳудудларидаги гўзал табиат манзаралари, қадриятларимизни эслатувчи тарихга айланиб бораётган эски маҳаллалар, турар жойлар, далалар, табиатимиз инъомлари, йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли ҳолатлари акс этган. Унинг асарларида акс этган тарихга айланиб бораётган қадимий содда қишлоқлар, эски уйлар, маҳалла турар жойлари, ҳовли кўринишлари, тандирдаги нонлар, ўзига хос миллий либослардаги аёллар, қариялар, турмушимиздаги бошқа лавҳалар — булар ўзбекларнинг анъанавий маиший ҳаётидан олинган мавзулардир.

Кўргазмага қўйилган «Ўзбек ҳовлиси», «Бозордаги қария», «Умр ўтмоқда», «Кечки овқат тайёрланмоқда», «Эгасини кутмоқда», «Совуқ қиш», «Қишки маҳалла», шу билан бирга номлари бир хил бўлсада бир неча вариантларда тасвирланган «Чирчик», «Дала», «Тандир», «Эшиклар» каби асарлар муҳлисларни берафқ қолдирмайди, мулоҳазага қорлайди.

Кўргазманинг очилишда сўзга чиққанлар ижодкорлар учун санъатимиз ривожини йўлида мамлакатимизда яратилаётган шароитлар ҳақида, музей залларига намойишга қўйилган асарларнинг мазмун-моҳияти, маънавиятимиз тарихига, миллийлик, умуминсоний қадриятларимизнинг маҳорат билан тасвирга туширилганга эътибор қаратдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Мингта яхшилигининг унутадилар-у, биргина ёмонлигининг гапириб юрадилар.

Журъат топсанг, бўлмай-диган ишлар ҳам бўлиб кетади.

Кишини қаноатсизлик адо қилади.

Ҳамма шароит муҳайё бўлган жойда ҳеч нарсага қизиқиш бўлмайди.

Кераксиз меҳнат керакли натижани бермайди.

Рағбат йўқ ерда гайрат бўлмайди.

Умр шундоқ ҳам қисқа — уни бўлар-бўлмас самарасиз ишларга сарфлаш ярамайди.

Ишлаш керак, қолгани бекор.

Яхшиликка ҳам биров сабаб бўлади, ёмонликка ҳам.

Эринчоқ ўзини қийнайди.

Тор кўнгил — кишининг душмани.

Майда-чуйда нарсалар кўнгилни ғаш қилишдан бошқасига ярамайди.

Аниқ мақсадга йўналтирилмаган меҳнат беҳуда кетади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 13 июль куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан гарба томон секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 июльда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдорли наст бўлади.